

СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳолбутаева Зухра Райимжановна

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Касб-хунар мактаби биология фани ўқитувчиси

Ўринбоева Идоятхон Икромжон қизи

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Махсус педагогика ва инклюзив таълим факультети логопедия йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация:

Ушбу мақола мамлакатларда аҳолининг оқсилга бўлган эҳтиёжи асосан соя донидан олинган оқсил эвазига қондирилиши, соя ўсимлигини етиштириш ҳамда республикамизнинг қишлоқ хўжалигида ҳудудлар шароитидан келиб чиққан ҳолда екиш, парваришlash ва унинг ер унумдорлигидаги аҳамияти кўриб чиқилган. Бундан ташқари, ерни екишга тайёрлаш услубларини кўриб чиқилиб, соя ўсимлигини маҳсулдорлигини ошириш йўллари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: органик моддалар, минерал ўғит, култивация, тупроқ, суғорилган ер, унумдорлик, комплекс, соя уруғи, соя навлари.

Инсоннинг овқатланиши унинг ёши, жинси ва меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлган ҳолда турлича бўлади. Кундалик овқат таркибида инсон оқсил, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқаларни истеъмол этиши лозим. Инсон қанчалик турли-туман озиқланса, унинг ҳаёт фаолияти шунчалик фаол, организм эса шунчалик соғлом бўлади. Айниқса ҳар биримиз кундалик толиқишлар, депрессиялар, асаб-психологик зўриқишлар ва атроф муҳитнинг салбий таъсирларига учраганимизда бундай озиқланишнинг нечоғлик муҳимлигини англаймиз. Таъкидлаш жоизки, инсон организми маромида фаолият кўрсатиши учун оқсилга талаб бир кунда унинг вазнининг ҳар бир килограми учун 0.7 г дан кам бўлмаслиги лозим.

Дунёнинг барча минтақаларида 60 дан ортиқ мамлакатда соя ўсимлиги етиштирилади. Ривожланган, миллиарддан зиёд аҳолига эга бўлган Хитойда, экин майдонлари ўта тақчил ҳисобланган Япония, Корея ва бошқа мамлакатларда аҳолининг оқсилга бўлган эҳтиёжи асосан соя донидан олинган оқсил эвазига қондирилади.



Дарҳақиқат, соя кўплаб хусусиятларга эга ўсимликдир. Унинг дони ўз таркибида 50% оқсил ва 28 фоизгача мой борлиги учун ўта қимматбаҳо экинлар гуруҳига киради. Соя донидан бугунги кунда халқ хўжалиги учун зарур бўлган 400дан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Дони озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган экологик тоза сифатли хомашёдир. Аҳоли истеъмол қиладиган, ўз таркибида зарарли моддалар сақламайдиган ўсимлик мойининг 35 % соя донидан олинади. Мойи ажратиб олингандан сўнг соя изоляти ҳосил бўлади ва унинг таркибида оқсил миқдори 75 фоизга етади. Ундан болалар овқатлари, печеньелар, нон учун қўшимчалар, колбаса саноатига оқсиллар, кондитер саноати учун маҳсулотлар (кофеинсиз шоколадлар), кофе ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун соянинг озиқ-овқат саноати ва чорвачилиқда ишлатилмайдиган чиқиндиларидан фойдаланилади. Ундан турли маҳсулотлар - қурилиш плиталари, матолар, сунъий ўғитлар, соя мойи ишлаб чиқариш қолдиқларидан совун, лак, буёқлар, резина маҳсулотлари, линолиумлар, энг сифатли ва қимматбаҳо машина бўёқлари олинади.

Тиббиётда соядан тайёрланган маҳсулотларни қўйидаги касалликларда тавсия этиш мумкин: атеросклероз, гипертония, юрак ишемияси, миокард-инфарктни ўтказгандан кейинги тикланиш даврида, ўт пуфагининг сурункали яллиғланиши, қандли диабет, сурункали қабзият, ёғ босиш, таянч-харакат органлари касалликлари (артрит, артроз), аллергия касалликлар. Бир килограмм соя донидан инсонлар учун 4 литр, бузоқлар учун 8 литр сут тайёрланади, шунингдек, ҳайвонлар берадиган барча маҳсулотларни – сут, қатиқ, творог, пишлок, гўшт (қўй, мол, товуқ, ғоз) маҳсулотларини олиш мумкин. Айтиш мумкинки, хитойлик бир оиланинг сигир боқишга имкони ва боғлаб қўйишга жойи йўқ, аммо соя донидан сут тайёрлаб, ўз оиласи эҳтиёжларини қондиради.

Чорвачилиқда ҳеч бир озуқа экини соя каби кўп озуқа бирлигига эга эмас. У 100 кг донида 138 озуқа бирлигини сақлайди, ушбу кўрсаткич, маккажўхори беда ва бошқа экинларда соядан кўра паст ҳисобланади. Ҳатто унинг 100 кг қуруқ пояларида 52 озуқа бирлиги мавжуд. Соя донининг тўйимлиги жиҳатидан биронта озуқа экини ундан устунлик қила олмайди. Дунёда молларнинг тез семириши ва паррандаларнинг кунлик вазнининг ошиши учун албатта уларнинг кундалик рациониди сояли маҳсулотлар киритилади.

Бу ўсимликнинг яна бир хусусияти шуки, дуккакдилар оиласига мансуб бўлгани учун ўзидан кейин тупроқда 55–60 кг соф азот қолдириб кетади. Бугун мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини тиклаш ёки уни бор ҳолида сақлаб қолиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. У ўсиб-ривожланаётган даврда далага катта миқдорда минерал ўғитларни солишга ҳожат йўқ, чунки ўсимликнинг ўзи ҳаводан азотни ўзлаштириб, фойдаланиш имконига эга.

Ўлкамиз тупроқ-иқлим шароити соя етиштириш учун жуда қулай бўлиб, уни барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда асосий ҳамда такрорий экин сифатида етиштириш мумкин. Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб тажрибаларнинг кўрсатишича, тупроқ харорати 16-18° С гача қизиганда экилганда соя уруғлари бир текис, қийғос, қисқа даврда униб чиқади.

Такрорий экин сифатида экилган соя сув ва шамол эрозиясининг зарарли таъсирини камайтиради, тупроқни органик моддалар билан бойитади ва унинг иккиламчи шўрланиши камайтиради. У буғдой ҳосилдан бўшаган далаларга экилганда экинзор микроиқлими, дала фитосанитар ҳолати, тупроқдаги микробиологик жараёнлар яхшиланади. Соядан кейин

жойлаштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги 20–30 фоизга ортади. Республикамизда такрорий экин сифатида экиладиган навлардан ўсув даври 91–110 кун бўлган навлар экилгани маъқул.

Ўлкамиз тупроқ-иқлим шароити соя етиштириш учун жуда қулай бўлиб, уни барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда асосий ҳамда такрорий экин сифатида етиштириш мумкин. Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб тажрибаларнинг кўрсатишича, тупроқ харорати 16-18 С гача қизиганда экилганда соя уруғлари бир текис, қийғос, қисқа даврда униб чиқади. Такрорий экин сифатида экилган соя сув ва шамол эрозиясининг зарарли таъсирини камайтиради, тупроқни органик моддалар билан бойитади ва унинг иккиламчи шўрланиши камайтиради. У буғдой ҳосилдан бўшаган далаларга экилганда экинзор микроиқлими, дала фитосанитар ҳолати, тупроқдаги микробиологик жараёнлар яхшиланади. Соядан кейин жойлаштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги 20–30 фоизга ортади. Республикамизда такрорий экин сифатида экиладиган навлардан ўсув даври 91–110 кун бўлган навлар экилгани маъқул. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда биз Самарқанд вилояти ҳудудида такрорий экин сифатида хорижий ва маҳаллий соя навларини экиб, уларнинг бир қатор морфологик ва қимматли-хўжалик белгиларини ўргандик. Ўсимликларнинг турлари ва навлари ўзаро ирсий хусусиятлари, вегетациясининг давомийлиги, морфофизиологик хусусиятлари ва чидамлилиги бўйича фарқланади.

Демак, сояни Ўзбекистон шароитида етиштириш билан муҳим масалалар ҳал этилади, биринчидан тупроқ бойитилади, иккинчидан аҳоли сифатли оқсил ва ўсимлик мойи билан таъминланади, саноат, чарвачилик, тиббиёт, техника учун турли маҳсулотлар тайёрланади, янги иш ўринлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Н.Халилов, З.Артиқов Д. Ёрматова, М. Ҳамраева, А. Нодиров. Соянинг янги навларини парваришlash бўйича тавсиялар.
2. Холиқова, М. А., & Матниязова, Ҳ. Х. (2022). НАВОЙИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ СОЯ НАВЛАРИДА БАРГИДАГИ ХЛОПОРЛАСТ ПИГМЕНТ МИҚДОРНИНГ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ. *Uzbek Scholar Journal*, 11, 14-23.
3. Matniyazova, H. K., Nabiyev, S. M., Abzalov, M. F., Kholiqova, M. A., & Yuldashev, O. H. (2019). Some Physiological Indicators of Domestic and Foreign Soybean Varieties under Different Water Regimes. *International Journal of Science and Research*, 8(9), 389-392.
4. KHOLIKOVA, M., MATNIYAZOVA, H., & YULDASHOV, U. COMPARATIVE PERFORMANCE AND GENETIC ATTRIBUTES OF UPLAND COTTON GENOTYPES FOR YIELD-RELATED TRAITS UNDER OPTIMAL AND DEFICIT IRRIGATION CONDITIONS J. SHAVKIEV¹, A. AZIMOV¹, S. NABIEV¹, S. KHAMDULLAEV¹, B. AMANOV².
5. Azamatovna, K. M., Khudoybergenovna, M. K., & Sayfullaevna, I. G. (2020). Morpho-economical Indicators of Some Local and Foreign Soybean Varieties Planted as Main Crops. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05).
6. Холиқова, М. А., & Матниязова, Ҳ. Х. (2020). Асосий экин сифатида экилган айрим маҳаллий ва хорижий соя навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари. *Academic research in educational sciences*, (1), 291-296.

7. Холиқова, М. А., Матниязова, Ҳ. Ҳ., & Азимов, А. А. (2020). Такрорий экин сифатида экилган соянинг айрим маҳаллий ва хорижий навларининг морфоҳужалик кўрсаткичлари. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 110.
8. Матниязова, Ҳ. Ҳ., & Набиев, С. М. (2021). ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ БАРГЛАРИДАГИ УМУМИЙ СУВ МИҚДОРИ ВА СУВ УШЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1284-1290.
9. Холиқова, М. А., Матниязова, Ҳ. Ҳ., & Мавлянова, Г. Д. (2022). САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ СОЯ НАВЛАРИДА ТУРЛИ РИВОЖЛАНИШ ФАЗАЛАРИДА БАРГЛАРИДАГИ ХЛОПОРЛАСТ ПИГМЕНТ МИҚДОРИНИ ЎРГАНИШ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 372-381.
10. Mochekhra, K., & Khilola, M. (2022). TO STUDY THE AMOUNT OF CHLOROPLAST PIGMENT IN THE LEAVES OF LOCAL AND FOREIGN SOYBEAN VARIETIES GROWN AS A REPEAT CROP IN THE CONDITIONS OF NAVOI AND SAMARKAND REGIONS. *Universum: химия и биология*, (2-2 (92)), 36-42.
11. Raximov, A. K., Boltayeva, M. D., & Kholikova, M. A. (2021). MORPHOLOGICAL INDICATORS OF SOYBEAN VARIETIES PLANTED IN COMBINATION WITH CORN. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 1151-1155.
12. Холиқова, М. А., Матниязова, Ҳ. Ҳ., & Ҳамроев, Р. Ж. (2021). СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАНДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(1), 1007-1014.
13. Холиқова, М. А., Матниязова, Ҳ. Ҳ., & Исмагилова, Г. С. (2020). ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ МАЙСА ДАВРИДАГИ МОРФОЛОГИК КУРСАТКИЧЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 162-167.
14. Xoliqova, M. A., & Matniyazova, H. X. (2019). Soya o'simligining botanik va biologik tasnifi hamda ahamiyati. Barqaror rivojlanishda uzluksiz ta'lim: Muammo va yechimlar" Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ilmiy ishlar To'plami, 2, 318-319.
15. Akmalovna, A. C., & Ismatovna, B. B. (2022). YURAK XASTALIKLARIDA QO'LLANILADIGAN DORIVOR O'SIMLIKLAR. *Uzbek Scholar Journal*, 10, 309-314.
16. Ergashovich, K. A., & Akmalovna, A. C. (2022). Soybean Cultivation Technology and Basics of Land Preparation for Planting. *Eurasian Journal of Research, Development and Innovation*, 7, 8-13.
17. Akmalovna, A. C. (2022). TALABALARDA TABIIY-ILMIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHNING METODIK TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 109-117.
18. Akmalovna, A. C. (2022). SOG'LOM AVLOD QOLDIRISH-BUYUK KELAJAK POYDEVORI. *Uzbek Scholar Journal*, 5, 177-181.
19. Aminjonova, S. A. (2022). Sog'lom ona va bola–baxtli kelajak asosi. *Scientific progress*, 3(1), 874-880.
20. Akmalovna, A. C. (2022, March). BIOLOGICAL PROPERTIES OF SOYBEAN. In *E Conference Zone* (pp. 90-94).
21. Аминжонова, Ч. А., & Мустафаева, М. И. (2017). БИОЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВОДРОСЛЕЙ БИОЛОГИЧЕСКИХ ПРУДОВ г. БУХАРЫ. In *Экологические проблемы промышленных городов* (pp. 387-389).
22. Aminjonova, S. A. (2021). METHODOLOGY AND PROBLEMS OF TEACHING THE SUBJECT "BIOLOGY" IN MEDICAL UNIVERSITIES. *Смоленский медицинский альманах*, (1), 15-18.

23. AMINJONOVA, C. (2021). PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING THE SUBJECT "BIOLOGY". ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 1(1).
24. Akmalovna, A. C., & Olimovna, A. G. (2020). METHODOLOGY AND PROBLEMS OF TEACHING THE SUBJECT " BIOLOGY" IN MEDICAL UNIVERSITIES AND SECONDARY EDUCATIONAL SCHOOLS. Eurasian Medical Journal, (2), 6-8.
25. Aminjonova, C. A. (2022). TALABALAR O'QUV FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIM INNOVATSIYALARIDAN VA METODLARIDAN FOYDALANISH. Scientific progress, 3(3), 447-453.
26. Аминжонова, Ч. А., & Мавлянова, Д. А. (2020). МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА "БИОЛОГИЯ" В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. In МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ПСИХОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКЕ (pp. 8-11).
27. Асроров, А. А., & Аминжонова, Ч. А. (2021). ОИЛАВИЙ ШИФОКОР АМАЛИЁТИДА ИНСУЛЬТ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ. ЖУРНАЛ НЕВРОЛОГИИ И НЕЙРОХИРУРГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 1).
28. Асроров, А. А., Жарылкасынова, Г. Ж., Солиев, А. У., & Халилова, Ф. А. (2013). THE MEANING OF CHRONICAL MEDIA OTITIS IN TNE CONDITIONS OF FAMILY AND ITS PROPHYLACTIC. Новый день в медицине, (4), 21-23.
29. Асроров, А. А., & Аминжонова, Ч. А. (2021). Оценка Состояния Когнитивных Нарушений У Пациентов Перенесших Инсульт В Практике Семейного Врача. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 397-401.
30. Aminjonovich, A. A. (2022). TREATMENT AND DIAGNOSTIC METHODS OF PNEUMONIA IN CHILDREN OF UZBEKISTAN. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI, 560-566.
31. Aminjonovich, A. A. (2022). A Healthy Mother and Child is the Key to a Happy Future. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 1(8), 63-66.
32. Aminjonovich, A. A. (2022). AHOLI ORASIDA ALLERGIK TUMOV KASALLIGINI SKRININGI SIFATINI OSHIRISH. Uzbek Scholar Journal, 5, 189-191.
33. Aminjonovich, A. A., & Akmalovna, A. C. (2021, March). METHODS OF TEACHING THE SUBJECT "BIOLOGY" IN MEDICAL UNIVERSITIES. In Euro-Asia Conferences (Vol. 3, No. 1, pp. 38-40).
34. Akmalovna, A. C. (2022). Innovative Methods used in Biological Science Teaching. Scholastic: Journal of Natural and Medical Education, 1(2), 5-11.
35. Akmalovna, A. C. (2022). SOYA-OQSIL TANQISLIGINI HAL ETISHDA ENG MUHIMMANBALARDAN BIRI. BARQARORLIK VA ETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI, 410-415.
36. Akmalovna, A. C. (2022). Characteristics and Advantages of Soybean Benefits in Every way. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 1(8), 67-69.